

NAZORAT QILUVCHI
ORGANLAR FAOLIYATINI
MUVOFIQLASHTIRUVCHI
RESPUBLIKA KENGASHI
Q A R O R I



НАЗОРАТ ҚИЛУВЧИ
ОРГАНЛАР ФАОЛИЯТИНИ
МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ
РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ
Қ А Р О Р И

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
17.21 декабрь 2878-3

100011, Тошкент ш., А.Кодирий кўчаси, 13-А, Тел. : (371) 244-89-46, факс: (371) 244-44-18

2017 йил "11" декабрь

№ 235

Назорат қилувчи органлар томонидан хўжалик юритувчи субъектлар – юридик шахслар фаолиятидаги текширишларни мувофиқлаштириш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 3-иловасига ўзгартириш ва қўшимча қиритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 25 сентябрдаги ПҚ–3286-сон “Сув объектларини муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши қарор қилади:

1. Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг 2017 йил 14 мартдаги 1-сон қарори (рўйхат рақами 2878, 2017 йил 6 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 19-сон, 347-модда) билан тасдиқланган Назорат қилувчи органлар томонидан хўжалик юритувчи субъектлар – юридик шахслар фаолиятидаги текширишларни мувофиқлаштириш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 3-иловасида:

қуйидаги мазмундаги ўттиз биринчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, “Саноатгеоконтехназорат” давлат инспекцияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари томонидан дарёлар ўзанларини тозалаш ва қирғоқларини мустаҳкамлаш, норуда фойдали қазилмаларни қазиб олиш ишларининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 25 сентябрдаги ПҚ–3286-сон “Сув объектларини муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори талабларига мувофиқ амалга оширилиши устидан назорат ўрнатилганда.”;

ўттиз биринчи хатбоши ўттиз иккинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

2. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси
Бош вазири,
Республика кенгаши раиси



А.Н.Арипов